


## Холбой телпак

***Холбой қўшни қишлоқдаги дўстиникига борганди. Гурунг билан тун ярмидан оққанини ҳам сезмай қолишибди. Дўсти унга:***



– Бир кеча минг кеча эмас, ётақол, – деди.

– Йўқ, болаларим ёш, бормасам бўлмайди, – эътироз билдирди Холбой.

– Ёлғиз ўзинг қандай кетасан, қабристон ёнидан ўтишингни ўйла.

– Бир амалларман, – деди Холбой, лекин шу топда бадани титрай бошлади.

Холбой йўлга тушди. Ҳали ой чиқмаган. Борлиқ туннинг қопқора пардаси билан ўралган. Сукунатни чигирткаларнинг чириллаши-ю, аҳён-аҳёнда итларнинг ҳуриши бузиб турарди. Холбой қабристонга яқинлашганда кимдир уни таъқиб қилаётганини сезиб қолди. Лекин орқасига қарашга ботина олмасди. Шип-шип этган қадам товуши эшитилди. Холбой қадамини тезлатса, товуш ҳам тезлашади. Ваҳима исканжасида қолди. Юзини совуқ тер босди. Жон ҳолатда қочишга тушди. Шарпа ҳам сира ундан қолишмасди. Энг ёмони, у қанча тез юрмасин, ҳеч уйига етай демасди. Шунда у дўстиникида тунаб қолмагани учун ичида афсус чекди.

Ниҳоят, қишлоғига яқинлашди. Чироғи ёниб турган биринчи симёғочга етганида ўзини анча босиб олди. Юришдан тўхтаб, шаҳд билан орқасига қаради. Ҳеч ким йўқ. Йўлида давом этганди, "шап-шап" деган товуш яна эшитила бошлади. Шунда у телпагининг ипи боғланмай қолганини, товуш бошидаги телпакдан келаётганини сезиб қолди. Алам билан пешонасига бир урди.

Бу гапни ҳеч ким билмасди. Холбойнинг ўзи чойхонада ҳамқишлоқларига ҳикоя қилиб берди. Шу-шу унинг лақаби "телпак" бўлиб қолди.

**Фахриддин БОЗОРОВ**

## "Ғалати иш"

***— Яқинда бир оғайнимиз газетанинг чоп этилиши учун масъул навбатчиликка тайинланибди, — дея сўз бошлади Шавкат. — Цехда кутиб ўтирса, бошқа таҳририятда ишлайдиган таниши келиб қолибди.***



У ҳам ўша куни ўз рўзномасининг навбатчиси экан. Икковлон ўтириб у ёқ-бу ёқдан ҳангомалашишибди. Ниҳоят, оғайнимизнинг газетаси босмадан чиқиб, цех ишчиларидан бири навбатчи қўл қўйиб топшириши лозим бўлган "сигналний"ларни кўтариб келибди:

— Мана, ука, — дебди у тахламни оғайнимизга узатаркан. — Яхшилаб кўринглар... Бир гап бўлса, айтарсизлар...

Дўстимиз ўн дақиқа давомида газеталарни синчиклаб кўздан кечирибди. Ва ниҳоят, "қўл қўйсам бўлаверади", дебди.

Иттифоқо, ўша куни уларнинг газетасида "Ғалати иш" сарлавҳали мақола чоп этилган экан. Шеригининг шу мақолага кўзи тушибди.

— Тавба, — дебди у ажабланиб. — "Ғалати иш"... Шунақа сарлавҳаям бўларканми? "Ғалати иш"... Жудаям ғалати-ку...

— Яхши мақола, — дебди оғайнимиз ҳафсала билан "сигналний"ларга имзо чекаркан. — "Ғалати иш"... Бир ўқиб чиққин, жуда зўр ёзилган...

Хуллас, унинг иши охирлаб, шериклари билан хайрлашибди. Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас, босмахона навбатчиси ичкаридан ҳаллослаб югуриб чиқибди.

— Фалон газетанинг навбатчиси қани? — деб қичқирибди у ўтирганларга. — Қани деяпман?!.

— Кетди...Нима эди? Хато бор эканми?

Навбатчи уларга қўл силтаб, ташқарига югурибди. Бироздан сўнг у дўстимизни етаклаб келибди.

Маълум бўлишича, дўстимиз чарчоқданми ёки ҳаддан ташқари суҳбатга берилиб кетганми, ишқилиб, "чоп этишга рухсат", деб имзо чекиш ўрнига "ғалати иш", дея қўл қўйган, босмахона навбатчиси эса бунинг нимаси ғалати эканлигини тушунолмай хуноб бўлаётган экан...

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

## Бўзқишлоқлик Байрамқул

***Бўзқишлоқликларнинг етти яшардан етмиш яшаригача Байрамқулни яхши танишади. У ҳамқишлоқларига ҳашамдор турар жой биноси, "иномарка" машиналари билан эмас, кўпроқ одамларга панд беришию, хасислиги билан танилган.***



Қишлоққа бориб, ёр-дўстлар билан бир пиёла чой устида чақчақлашган одам, албатта, Байрамқулнинг аллақачон дув-дув гапга айланган ҳангомасифат ишларидан воқиф бўлади.

... Ўтган қиш кунларининг бирида Байрамқул эрта билан ташқарига чиқиб, қараса, шифернинг усти қалин қор билан қопланган. У ёғочларга оғирлик тушмасин, деган ўй билан супургини олиб, юқорига чиқади ва қорларни пастга итара бошлайди. Туш яқинлашиб қолгани сабабли ошга қанча масаллиқ солиниши кераклигини сўрамоқчи бўлган қизи қараса, дадаси уйда кўринмайди. Тартибга кўра эса, ҳеч қачон қозонга Байрамқулнинг кўрсатмасисиз ўт ёқилмайди, бирор нарса пиширишга киришилмайди. Уй теварагини айланган қизи дадасини томда юрганидан хабар топади ва шу томонга қичқиради:

–Дада, ойим палов қилмоқчилар, шунга қанча гуруч солайлик. Гўштлик бўлсинми?

Бирдан орқасига ўгирилиб, пастга қулай бошлаган Байрамқул:

–Овқатни ўзларингизга етгудай қилиб тайёрлайверинглар. Мен энди шифохонада овқатланарман,- дермиш жон ҳолатда.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

# Рақобат ҳалол бўлсин

(Боши 1-бетда)

Вилоятнинг Оқ олтин туман "Матлубботсавдо" корхонасида мавжуд 18 та чакана савдо шохобчасининг 10 таси хусусийлаштирилди ва ҳозирги вақтда 7 таси фаолиятини ўзгартирган, 1 таси бузилган, 2 таси эса хизмат кўрсатишни буткул тўхтатди.

Айни пайтда мана бу манзарага эътибор қилинг. Оқ олтин туманидаги "Фарғона" қишлоқ фуқаролар йиғинида 9 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Вилоят солиқ бошқармаси ходимлари билан биргаликда ана шу қишлоқда бўлганимизда 60 дан зиёд хусусий тадбиркорлар ноқонуний савдо-сотиқ билан шуғулланаётганининг гувоҳи бўлдик. Бирортасида касса аппарати ишламайди, товарларнинг лицензияси йўқ, санитария талабига жавоб бермайди. Кўпчилиги уйларидан дўкон очиб, деразаларидан савдо қилишмоқда. Умрзоқ исмли тадбиркор билан суҳбатлашганимизда "Бу ерда ҳеч кимда касса аппарати йўқ", дея ҳақиқатни тан олиб қўя қолди. Афсусланарлиси шундаки, ушбу катта ҳудудда "Матлубботсавдо"нинг биттаям дўкони йўқ экан. Бу эса рақобат майдонида "Матлубботсавдо"нинг мижозларни сохта "тадбиркор"ларга бериб қўйганидан очиқ-ойдин далолатдир.

–Фарғона ширкатлар уюшмасида хўжалик балансида бўлган йирик Универмаг дўкони туман "Матлубботсавдо" корхонасига қарашли бўлиб, аҳолига хизмат кўрсатиши керак эди, - дейди Н.Ҳазратқулов. –Ушбу дўкон хўжалик томонидан хусусийлаштирилиб, сотиб юборилди. Шу билан дўкон эшиги тақа-тақ ёпилди.

Хўш, бу ҳолда бошқа дўкон очиш имконияти йўқмиди?

Бу саволга ҳеч кимдан жўяли жавоб ололмадик.

–Маҳалламизда 2756 нафар аҳоли яшайди, -дейди "Обод" маҳалласи масъул котиби Гулсара Дадабоева. –Бу аҳолига савдода 17 та тадбиркор, 2 та қассобхона, 4 та газ сув сотувчи, 4 та чойхона хизмат кўрсатади, нархлари ҳам ҳар хил. Дўкондорларнинг кўпчилиги уйларидан дўкон очиб олишган. Шу боисми, дўконини хоҳласа очишади, хоҳласа ёпишади.

Г.Дадабоеванинг айтишича, битта маҳалланинг ўзида 17 нафар тадбиркор савдо билан машғул лекин, солиқ инспекциясида 12 нафар тадбиркор ҳисобда туради, холос.

–Яна бир муаммо... Тизимдаги савдо шохобчаларида спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотларининг сотилиши йўлга қўйилган, –дейди Н.Ҳазратқулов. –Айнан шу маҳсулотлар кўпроқ сотилиб, нақд пул тушумларини кўпайтиришда муҳим рол ўйнаяпти. Спиртли ичимлик, тамаки маҳсулотларини сотиш учун "Матлубботсавдо" ҳиссадорлик жамиятининг туманлардаги ҳар бир дўкони жойлардаги ҳокимликлардан алоҳида рухсатнома (лицензия) олиши керак. Ушбу лицензия тўловларини камайтириш ва лицензияни ҳар бир дўконга эмас, балки савдо ташкилотининг ўзига бериш қулай ҳамда ўзининг иқтисодий самарасини тезда кўрсатар эди. Ваҳоланки, савдо соҳаси бўйича ташкилот Низоми ишлаб чиқилиб, тасдиқланиб, тегишли органларда рўйхатдан ўтказилганлигига қарамай, яна туман ҳокимликларидан маълум тўлов эвазига ҳар бир дўконга савдо қилиш учун алоҳида рухсатнома берилиши тушунарсиз ҳолдир. Шу ва шу каби ҳар хил тўсиқларни қишлоқ савдоси тизимидан олиб ташлаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки "Матлубботсавдо" компаниясининг туманлардаги 12 тадан ортиқ савдо дўконларининг ҳар бирига тегишли рухсатнома олишнинг ўзига 10-12 миллион сўм атрофида айланма маблағлар сарфланаяпти. Алам қиладигани, савдодан тушадиган даромад эса бу турдаги лицензия учун белгиланган тўловнинг 10 фоизини ҳам ташкил этмайди.

Каттами-кичикми, узоқми-яқинми, ҳар бир қишлоқда, овулда, қўрғонда савдо тизимини ривожлантириш зарур. Шу боис бу тизим учун амалда бўлган бюджет ва бюджетдан ташқари тўловларни имконият даражасида пасайтириш ва бу фаолият билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини яна бир карра мувофиқлаштириш лозим деб ўйлаймиз. Шундагина соғлом рақобат пайдо бўлади.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Еттовлон бир ён...



***Жаҳонда маслаҳат кенгаши тарзида ишлайдиган халқаро тизим – "Катта саккизлик" бор. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатлар – давлат раҳбарлари АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Канада, Япония ва Россия давлат раҳбарлари ҳар йили ёзда бир марта учрашиб, жаҳон кун тартибида турган долзарб масалаларни муҳокама этадилар.***

Ўтган йилги учрашув худди шу пайтда Атлантика океани қирғоғидаги АҚШнинг Си-Айленд оролчасида бўлиб ўтган эди. Унда иқтисодни эркинлаштириш, жаҳонда хавфсизликни таъминлаш, Ироқда тинчлик ўрнатиш ва ер юзида қашшоқликка қарши кураш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинганди.

"Катта саккизлик"ка кирадиган давлатлар раҳбарларининг бу йилги учрашуви Шотландиянинг Эдинбург шаҳри яқинидаги "Глениглс" отелида ўтказилди. Учрашув ўтган ҳафтанинг эътиборли воқеаларидан бири бўлди. Унда "Катта саккизлик"ка аъзо давлатлар раҳбарларидан ташқари бешта йирик ривожланаётган мамлакатлар – Хитой, Ҳиндистон, Мексика, Бразилия ва Жанубий Африка Республикаси раҳбарлари, шунингдек, БМТ Бош котиби, МАГАТЭ, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон савдо ташкилоти етакчилари ҳам иштирок этишди. Бунда, айниқса, Хитой билан Ҳиндистоннинг иштирокига катта аҳамият берилди. Улар ҳатто 2006 йилда Россияда ўтказиладиган учрашувга ҳам таклиф этиладиган бўлди.

Эдинбург учрашувида турли мавзудаги мулоқотлардан ташқари иккита муҳим масала кун тартибига қўйилди. Биринчиси АҚШнинг Киото баённомасига қўшилишига доир масала бўлса, иккинчиси Африка қитъасидаги қашшоқ мамлакатларга ёрдам бериш билан боғлиқ масаладир. Иккинчи масалани ҳал қилишда жиддий муаммолар туғилмади. Асосан Жаҳон банки, Африка тараққиёт банки ва Халқаро валюта жамғармаси орқали 18 та қашшоқ мамлакатнинг қарзидан воз кечиш тўғрисида музокара олиб борилди. Бу деярли 40 миллиард АҚШ долларига тенг. Шунингдек, "Катта саккизлик" аъзолари 2010 йилгача Африканинг қашшоқ мамлакатларига ўзларидаги ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,5 фоизи миқдорида ёрдам кўрсатиш тўғрисида келишиб олдилар. 2010-2015 йиллар ўртасида эса бу кўрсаткич 0,7 фоизга етказилади. Бундан Африкадаги айрим давлатлар вакиллари мамнуният изҳор этишган бўлсалар, баъзи мамлакатлар етакчилари ориятга берилиб, ноқулай аҳволга тушдилар. Ёрдам олмаслик керак, деганлар ҳам бўлди.

Учрашув кун тартибидаги биринчи масала ўз ечимини топмади. Бунга АҚШнинг масалага бир томонлама ёндашуви сабаб бўлди. Маълумки, Киото баённомасига 1997 йилда асос солинган эди. Бу баённоманинг моҳияти шундаки, ер юзидаги тараққий этган давлатлар атмосферага ҳар хил зарарли ва заҳарли

**ШАРҲ**

чиқитлар – дуд, тутун, иссиқхона газлари чиқаришнинг маълум меъёрларига риоя этиш юзасидан мажбурият оладилар. Бу мажбурият ўша давлатнинг олдин шартномага имзо чекиши, сўнгра мазкур ҳужжатнинг парламентда ратификация қилиниши билан қонунлаштирилади. Шундан кейингина ўша давлатга қанча миқдордаги чиқитни атмосферага чиқариб ташлаши мумкинлиги ҳақида квота – рухсат берилади. Демак, бу – жаҳон экологияси билан боғлиқ ўта долзарб масала.



Атроф муҳитнинг ифлосланиш даражаси ана шу масаланинг ҳал этилиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам БМТ 2002 йилда Йоханнесбургда Жаҳон саммитини ўтказди. Унда тараққий этган давлатлар зиммасига катта масъулият ва мажбурият юкланди. Албатта, тараққий этган давлатлар деганда, аввало, "Катта саккизлик"ка кирган мамлакатлар тушунилади.

Ҳозир атмосферага чиқариб ташланаётган чиқитлар эвазига атроф-муҳит ифлосланишининг қарийб 36 фоизи АҚШ, 17 фоизи Россия улушига тўғри келади. Бошқа тараққий этган давлатлар ҳам маълум даражада атроф муҳитни ифлослантиришга "ҳисса" қўшмоқдалар. Ҳозиргача "Катта саккизлик"ка кирган саккизта мамлакатнинг еттитаси жаҳон олдидаги масъулият ва мажбуриятдан келиб чиқиб, Киото баённомасини имзолади. Россия ҳатто, бу ҳужжатни парламентда ратификация қилиб, бошқаларга ибрат кўрсатди.

Баённомани имзолаган бошқа тараққий этган давлатлар ҳам атмосферага чиқит газлар чиқаришда ўзларига берилган квота доирасида ҳаракат қилиш чораларини кўришмоқда.

Шу пайтгача Киото баённомасига иқтисодий жиҳатдан тараққий этган фақат битта давлат – АҚШ имзо чекмади. Уни 2002 йилдаги Жаҳон саммитида ҳам, ундан кейин ҳам кўндириша олмади. Ниҳоят, "Катта саккизлик"ка аъзо давлатлар раҳбарларининг Шотландиядаги учрашувида бу масала биринчи қилиб қўйилди. Мақсад – қандай қилиб бўлмасин Киото баённомасини имзолашга АҚШ президентини кўндириш эди.

Учрашув қатнашчилари АҚШ Киото баённомасини имзолаши жуда ҳам зарур, деган қарорга келишди ва шу мавзуда мунозара қилишди. Айниқса, Франция президенти бу борада жиддий фикр билдирди. "Ҳозиргача Киото баённомасини "Катта саккизлик"даги саккиз мамлакатдан еттитаси ратификация қилди, - деди Жак Ширак. - Бироқ зарарли чиқитлар ҳажмини қисқартириш борасидаги ишларни давом эттириш зарур. Биз АҚШнинг қарорини кутяпмиз ва бу масалада келишувга эришамиз, деб умид қиламиз. Акс ҳолда иқлим ҳақида ҳеч қандай резолюция қабул қилинмайди".

Жак Ширакнинг даъвати жавобсиз қолди. Буюк Британия АҚШнинг энг яқин иттифоқчиси бўлишига қарамасдан баённомани имзолаган. Чунки, ер юзида табиатнинг тозалиги ва мусаффолигини таъминлаш инсониятга хизмат қиладиган улуғ ишдир. Буюк Британия ҳам бу ишдан ҳеч бир давлат четда қолишини истамайди. Бир ёқадан бош чиқариб курашиш эса яна ҳам яхши. Шунинг учун ҳам Тони Блэр Жорж Бушни кўндиришга ҳаракат қилиб кўрди. "Агар бир масалада Америка иштирокида умумий ёндашув чиқишига эришилмаса, Киото баённомасини иқтисоди тез ривожланаётган мамлакатлар ҳам қўллаб-қувватламасликлари мумкин, - деди Тони Блэр ва қўшимча қилди: - Агар бу давлатлар ўртасида шартнома бўлмаса, унда ушбу муаммони ҳал этиб бўлмайди". Гап Киото баённомаси амал қиладиган 2012 йилгача бўлган муддат ва ундан кейинги давр ҳақида, бунда АҚШнинг иштироки ҳақида бораяпти.

Бироқ Жорж Буш Киото баённомаси билан боғлиқ ҳар қандай таклифни рад этди. Бунинг учун давлатнинг иқтисодий манфаатларига зарар етказмасликни далил-исбот қилиб кўрсатди. Демак, ер юзининг экологик ҳолатига зарар етса майли экан-да! Шунингдек, "Катта саккизлик"ка кирган еттита давлатнинг иқтисодига зарар етса ҳам ҳеч қиси йўқ. Хуллас, бу масалада еттовлон бир ён, АҚШнинг ўзи бир ён бўлди. Афтидан, еттовлонда ҳам "гапни гапир уққанга" деган таассурот қолди.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

**ХАБАР**

## «Аёл ҳуқуқи – инсон ҳуқуқи»

***Элимизда хотин-қизларга бўлган эътибор кучаймоқда. Яъни, аёлларимизнинг оилада ва жамиятда тутган ўрни, ўз ҳуқуқларини теран билиб, турмушда қўллай олишига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада кўпгина қарорлар ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилмоқда.***

Нукус шаҳри хотин-қизлар қўмитаси томонидан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Аёл ҳуқуқи — инсон ҳуқуқи» номидаги бир ойлик семинар ўтказилмоқда. Ана шундай семинарларнинг бири Нукус шаҳридаги марказий дам олиш боғида бўлиб ўтди. Семинарнинг ўзгачалиги шундаки, унда табиат қўйнида эркин фикрлашга кенг қулайлик яратилди. Семинарга қатнашган хотин-қизлар, маҳалла фуқаролар йиғинларининг маслаҳатчилари ҳамда бир қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Семинарда Нукус шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Зулфия Дошекенова, Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг етакчи мутахассиси Ж.Пирназароваларнинг маърузалари тингланди. Қилинган маърузалар бўйича Нукус шаҳар ФХДЁ бўлимининг бошлиғи Г.Давлетмуратова, «Маржон» хусусий корхонасининг бошлиғи М.Қарлибоева ва бошқалар сўз чиқиб ўз фикр мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Семинар сўнгида хотин-қизларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди. Намойиш этилган концерт дастури эса семинар қатнашчиларига кўтаринки руҳ бағишлади.

**Сатбай ЎТАЎЛИЕВ,**
**«Туркистон-пресс»**

ИСТЕЪМОЛЧИ:

# Манфаат ва мажбурият



***Барчамиз истеъмолчимиз. Айтайлик, эҳтиёж учун харид қилинган нарса истеъмолга яроқсиз бўлиб чиқди. Шунда нима қилиш мумкин? Умуман, бундай ҳолларда қандай чора қўллаш мақсадга мувофиқ?***

Бу борада ҳукуматимизнинг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни ҳам мавжуд. У биз истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини айнан шу жиҳатдан кафолатлайди, ҳимоя қилади. Аммо, таъкидлаш жоиз, ўзининг қонун доирасидаги ҳаққини талаб қила оладиганлар билан бир қаторда бундай вазиятни эътиборсиз қолдирадиганлар ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобат ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш давлат қўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва реклама бозорини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи Давронбек Миртожиев бу хусусда шундай дейди:

– Бизга бўлаётган мурожаатлардан келиб чиқиб хулоса ясаш мумкинки, фуқароларимизнинг истеъмолчи сифатидаги тушунчалари шаклланиб бормоқда. Бунинг натижасида мавжуд муаммолар кўпинча истеъмолчилар фойдасига ҳал этилмоқда. Масалан, яқинда пойтахтимизнинг Юнусобод туманида яшовчи фуқаро З.Ҳакимовадан

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

ариза тушди. Истеъмолчи ўзининг мурожаатида "Махлас" хусусий фирмасига қарашли дўкондан сотиб олинган насоснинг сифатсиз эканлигини маълум қилган эди. Ариза белгиланган тартибда кўриб чиқилганидан сўнг фирма харидорга маҳсулотнинг пулини тўлайдиган бўлди. Ёки андижонлик бир фуқаронинг ҳам худди шундай алданиб "Daewoo" видеомагнитофонини харид қилганлигини олайлик. Бунда ҳам фуқарога ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилганлиги ва тегишлича йўл тутганлиги ёрдам бериб, 110 минг сўм пули ёнида қолди.

Қўмитамиз ва унинг ҳудудий бошқармаларига бундай мурожаатлар кўплаб тушиб туради. Уларнинг аксарияти коммунал, маиший, тиббий ва савдо хизматларига дахлдор. Ўтган йили мана шундай арзлардан бир нечтаси тегишли идораларга жўнатилиб, келтирилган зарар истеъмолчилар фойдасига ундириб берилди. Лекин фуқароларимиз орасида истеъмолчи ҳуқуқини билмайдиган ёки хафсала қилмайдиганлар ҳам топилади. Бу эса биздан ишимизга янада масъулият билан ёндошишимизни, тарғибот-ташвиқотни янада кучайтиришимизни талаб этади.

Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса худди шу йўналишга қаратилган. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида бугун маҳалла, ширкат хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасаларида 10442 та таянч гуруҳлари, 210 та шаҳар ва туман жамиятлари истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун хизмат қилмоқда. Қолаверса, олий, ўрта-махсус ҳамда ўрта таълим муассасалари ўқув дастурларига "Истеъмолчи ҳуқуқлари" номли махсус дарслар ўтилаётганлигини ҳам бу борадаги ижобий ишлар сирасига киритиш мумкин. Албатта, булардан мақсад фуқаролар – истеъмолчилар манфаатига эътибор қаратишдир. Буни тегишлича англаб етиш ва лозим бўлганда ҳуқуқини талаб этиш инсоннинг ўзига боғлиқ. Зеро, истеъмоллик ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг муҳим ва аҳамиятли жиҳатларидан бири саналади. Шу маънода уни ҳар биримиз мажбурият, деб билсак, нафақат ўзимиз учун, балки жамият тараққиёти ва иқтисодиёти ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

**Суҳбатдош: Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**

# Қонун барчага баробар



***Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги "Спиртли ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талаблари бу борада ғайриқонуний ҳаракатларнинг олдини олишга ва уларга қарши чоралар кўришга қаратилган.***

Шу йилнинг 27 март куни Нукус шаҳрида яшовчи З.Айимбетовага тегишли яширин цехда қалбаки акциз маркалари билан елимланган 48 та "Қоратов"ароғи З.Айимбетова ва унинг турмуш ўртоғи А.Пирназаровлар томонидан сотишга тайёрлаб қўйилганлиги Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан аниқланди.

Яширин цех кўздан кечирилган чоғда қалбаки акциз маркали 4 та, акциз маркасиз 93 та қўлбола "Қоратов" ароғи, 75 литр спирт маҳсулоти, 2 дона қўлбола темир ускуна, бир сондаги серия ва рақамли 58 дона акциз марка борлиги маълум бўлди.

**АТТАНГ!**

Суриштирув натижасида бу спирт маҳсулотлари Қозоғистон Республикасидан яширин йўллар орқали кириб келаётгани ҳамда бундай қонунбузарлардан яна бир нечаси фаолият юритаётгани аён бўлди. Шулардан бири нукуслик Г.Юсуповадир. У ўзининг сифатсиз маҳсулотларини ҳаммаслаги П.Қаллибековнинг автомашинасига ортаётганида қўлга олинди. Г.Юсупованинг уйидан эса сотишга тайёрлаб қўйилган, сиғими 1,5 литрлик 750 дона баклашкаларга қу-йилган спирт ашёвий далил сифатида олинди.

Ходимларимиз томонидан фош этилаётган бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ, хулоса битта. Қонун – ҳаммага баробар! Унга амал қилиниши шарт. Кимдир уни четлаб ўтмоқчи бўлса, қилмишига яраша жазога тортилиши муқаррар. Тадбиркорлик билан шуғулланишнинг қонуний йўллари ҳам мавжуд. Ҳукуматимиз бу борада бор имкониятларни яратиб берган. Фақат мана шу имкониятлар доирасида иш юритганлар эса биз келтирган ҳолатлардагидек мулзам бўлиб ўтирмайдилар.

**Каримбой АБДИРИМОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси матбуот гуруҳи катта нозири, адлия кичик маслаҳатчиси.**

МУКА 1 сорт 199,4 ▼ - 1,1 | МУКА 2 сорт 180,0 ▲ + 0,03 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 840,0 ▼ - 5,0 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 - | ПОЛИЭТИЛЕН I -1561 - | АММОФОС - | КАРБАМИД 143,6 ▲ + 0,1




(Боши 1-бетда)

"Ёдгор" достони бор деган сўзни анжуманда бир олим айтганди. Лекин ҳеч бир бахшидан эшитмаганман... Бор бўлгану кейин йўқ бўлиб кетган, дердим. Ахир буюк бахшилар ўзлари билан қанча терма-ю достонларни абадийлик сари олиб кетишган...

"Ёдгор"ни Чорша бахши асраб қолди. Бахши айтаверди, айтаверди, Норқувват ёзиб олаверди, туғилган достон ўлмай қолди... мангуга тирик қолди.

–"Алпомиш" нечта достон?

–"Алпомиш" битта зўр достон...

–Йўқ-йўқ... "Алпомиш" 32 та достон, - дерди у. –Ҳаммаси юрагимда. Айтаверсам, олти ойда ҳам адо бўлмайди. Ҳар бирови бир дунё...

"Алпомиш" туркумига кирган 32 достоннинг 4 тасини – "Алпомиш", "Қўнғирот", "Ҳурсўна", "Алпонбек" достонларини фольклоршунос олим Р.Мустафақулов бахшидан ёзиб олиб улгурди. Чорша бахши қолган 24 тасини ўзи билан олиб кетди... Барибир, умид қиласан киши, балки бу достонларни биладиган бахшилар ҳали бордир. Эҳтимол, улар ёзиб олгану қўлёзма институтларида ёки кимларнингдир уйида мавжуддир?! Халқ яратган шундай улуғ достонлар наҳотки йўқликка кетди?!

Ўн йиллар илгари... уни излаб бордим. Унинг аҳволини кўриб қайғуга ботдим...

Чорша бахши чарчаган, юзлари сўлғин. Кўзлари жуда ҳорғин. Оллоҳ ато этган бахшиёна жўшқин овоз... йўқ ҳисоб. Шивирлаб гапиради. Қучоқлашиб кўришдик. Гўё аввалдан танишмизу соғинишиб қолгандек эдик.

Сўрай олмасдим. Кўнглимда бир савол айланарди: Баногоҳ нима бўлди экан? "Қани, ўша буюк овоз? Чорша бахшининг Алпомишу Гўрўғлини ёниб куйлаган оташ овозини ким юлиб кетди?.. "

Чорша бахши шивирлаб гапирса-да, ҳар бир сўзи сеҳрли! Ҳар бири сўз янги!

Бу жуда оғир. Ҳатто ҳозиргача хаёлимдан кетказолмайман. Булбулдай сайраб турган ширали гўзал ва дардли овоз кутилмаганда бирдан йўқ бўлса... Юракда эса юзлаб достонлар... қанча термалар... Ҳаммаси "куйла!" деса овоз йўқ.

Чорша бахши бу фожиани руҳ қуввати ила енгди. У шивирлаб бўлса-да, шогирдларга, халқ оғзаки ижодини англаган зиёлиларга пичирлаб-пичирлаб айтиб турди. Устозлардан олганини ҳаётга қолдирай деди. Лекин ҳаммасига улгуролмади...

"Манглайимга эмас, танглайимга беринг" деб тилаган эди у тўққиз ёшида. Бу гапда жон бор экан-да. Чорша бахши ҳаётда ёлғиз яшаб ўтди. Ҳозир айтилаётган ўнлаб достонларни устоз ўз шогирдларига етказган. Қўлёзмаю китоб ҳолида бир қанча достону термалар қолди. Аслида бу ҳам ёруғ "манглай".

Чорша бахшининг таъкидлашича, "Алпомиш"ни биринчи айтган бахши Қори Ғойиб Саҳий вали, ундан кейин Ғани бахши, Дони бахшилар куйлаган. Сўнг эса Бобо шоир!

Чоршанби бахшининг "Бобо шоир" деган достони ҳам ёзиб олинган:

"Бобо шоир достон айтса, одамлар селдай қўйилади. Учиб бораётган қушлар кўкдан ерга қўнади. Довруғи оламга кетади. Ҳисор томонда Нурбека деган бахши аёл етишади. Қўлига дўмбирани олиб, Бобо шоир мендан зўр бўлдима, деб,

*Билмай жетти пуштини,*
*Яна хили хиштини,*
*Бориб кўрай даштини,*
*Худо берсин гаштини*
*Бобо шоир тошибди,*

дея Нурбека йўлга тушади. Дарёдан ўтиб, тоғлардан ошиб, қир-адирни кезиб, Бобо шоирнинг юртига келади. Бир томонда Бобо шоир, бир томонда Нурбека, айтишув бошланади. Қавму элат жам бўлган. Чўпону бек шу ерда. Эл, қани энди ким енгади, деяётир..."

"Бобо шоир" достони Чоршанби бахшининг улкан санъаткор бўлганини билдириб туради.

Шундай тошқин бахшининг овози қандай қилиб айтарли бирдан йўқ бўлганига ҳамон ҳайрон қолдим. Н.Тўраев Чоршамби бахшидан кўп дурдоналар ёзиб олган. Айни пайтда, дилдош, сирдош бўлган. Унинг айтишича, бахши 50 ёшларга етганида, дунёга сиғмай жўшиб бошлаган. Ҳар достон айтганида етмиш қишлоқ жам бўлган. Ширин сўзлаган, аччиқ сўзлаган, лекин рост сўзлаган. Ўн бахши турса, эл Чоршанби бахшининг қошига тўпланган.

Катта бир тўйда у сўнгги бор худо берган овозда куйлаётганини балки билмагандир. Негадир тўйдан чиқиб бирдан бемажол бўлади... Шу-шу бахши овозини буткул йўқотди... Йигирма йилдан кўпроқ вақт... дўмбира жим йиғлади, бахшининг қўллари, диллари ёниб куйлади. Сандиқ-сандиқ достонларнинг қўлёзмалари қолди.

Чоршанби бахши Раҳматуллаев етмиш йилча юраги сўз, куй ишқида ёниб яшади. Ва ҳеч қачон ёниб кетмайдиган достонларни қолдирди...

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Оила мўътабар



***Оила мустаҳкам бўлиши лозим. Унинг энг биринчи шарти никоҳ асосида оила қуришдир. Шу боис ёшлар оила қуришдан аввал, унинг нима эканлигини, никоҳ тушунчаси ва ундан келиб чиқадиган мақсад моҳиятини чуқур англаб етмоқлари шарт.***

Мамлакатимизда оила қуриш, қонуний никоҳдан ўтишнинг асосий тамойилларидан бири моногомия, яъни бир никоҳда бўлишликдир. Бу биздагина эмас, балки бутун дунёда ҳам фуқаролик никоҳи қоидаси шундай ҳисобланадаи.

Бироқ айрим мамлакатларда кўп хотинлилик ноқонуний тарзда бўлса-да мавжуд эканлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Диний никоҳдан ўтганликлари билан ўзларини оқлаётган эр-хотинлар ҳам бор. Аммо диний русум бўйича тузилган никоҳ жамиятимизнинг қоидаларига кўра, ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас, давлат бундай никоҳ билан оила қуришга рухсат бермайди ва шундай никоҳ билан қурилган оилани, унинг аъзолари шахсий

**ЭЙ, УМРИ АЗИЗ**

ҳамда мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди. Боз устига, бундай ҳолат эркакнинг қонуний тузилган биринчи никоҳидаги рафиқаси ва фарзандларининг ҳуқуқларини камситиш ҳисобланади.

**Афсуски, бировнинг қонуний турмуш йўлдошидан, асосан ўзига тўқ эркакларни ўз қарамоғига илинтириб, манфаат кўришни кўзлаётган айрим аёллар ҳам учраяпти.**

Афсуски, бировнинг қонуний турмуш йўлдошидан, асосан ўзига тўқ эркакларни ўз қарамоғига илинтириб, манфаат кўришни кўзлаётган айрим аёллар ҳам учраяпти. Бир кун келиб хато қилиб қўйганини тушуниб етган эркак эса энди орқага қайтишга йўл топа олмайди, боласининг ҳам камол топишини ўйлаб, унга хизмат қилади. Бироқ, ўз оиласи-чи, фарзандлари нима бўлади? Гоҳида бу ҳолатнинг оқибати бутун оиланинг бузилишига, фарзандлар тирик етим бўлиб қолишига олиб келади.

Шунингдек, ўзининг бузуқ нафси учун туппа-тузук юрган қизларимизни алдаб, йўлдан уришади. Бундан уларнинг оилалари ҳам оёқости бўлаяпти.

Йўлдан адашганларнинг мана шундай ишлари туфайли ноқонуний фарзандлар дунёга келмоқда. Бола катта бўлгандан кейин онасидан отаси кимлигини, у билан қандай танишганини сўраса керак, ахир. Отаси нима учун оиласи билан яшамаслигини, нега келмаслигини, ўзи отаси ёнига нега боролмаслигини ҳам сўрар, балки? Хўш, она нима деб жавоб беради? Бола қандай тарбия олади? Шунинг ўзиёқ болани камситиш, жамиятдан четга чиқариб қўйиш эмасми? Тўғри, баъзида оталари ҳаётга керакли ҳамма нарса: пул, уй, ўқиш ва кийим билан таъминлаб беришлари мумкин. Лекин, энг муҳим бойлик – оилавий ва тарбиявий муҳитни ярата олмайдилар.

Шунинг учун инсон бугунги кун билан яшамаслиги, эртанги кунга назар ташлаб қўйиши лозимлигини эслатиб қўймоқчимиз, холос.

Оилани муқаддас деб билмаган инсон учун ҳаётда муқаддас нарсанинг ўзи йўқ.

Ўтган йилда оталикни белгилаш бўйича вилоят ФҲДЁ органларига 1709 та ариза берилган. Бу аввалги йилга нисбатан 295 та кўп демакдир.

Оиланинг бағрида бўлиш ҳар бир инсон учун улуғ неъмат. Алломамиз Фитрат "Оила" асарида ёзганидек, "Қаерда оила, оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади".

**Гулҳаё РАСУЛОВА, Сирдарё вилоят адлия бошқармаси етакчи мутахассиси.**

**ТУЙҒУ**

***Дилимни изтиробга солган бир воқеани ҳануз унутолмайман. Олис қишлоқдан фарзандини йўқлаб келган онахон мактабга кетаётган набирасини дуо билан кузатгиси келди. Бироқ, уй бекаси онахонни силтаб ташлади: "Узундан-узоқ дуоингиз кимга керак, кўриб турибсиз-ку шошаяпти. Ёш бола деган дуони тушунармиди", - деди.***

# Бувимнинг дуоси



Онахон сукутда қолди. Дуога очилган қўллари назаримда кесилган қуш қанотларидай ёнларига тушди. Титраб кетдим, унинг қўллари худди қаёққа йўл олсак, дуои жонимизни қилиб қолувчи бувижонимнинг қўлларидай сертомир, қадоқ эди. Уни кўзларимга сурдим ва ташқарига отилиб чиқдим. Ичкаридагилар "сенга нима бўлди" деганича қолишди. Кейин эса дуодан узоқ ўша хонадонга қайтиб боролмадим. Бўлиб ўтган воқеани ҳозир аср билан салкам юзлашай деган, тўшакда ётсаларда туну кун элу юртни дуо қилишдан толиқмайдиган бувижонимга ҳам айтолмадим. Олтиндан қиммат дуоларини ўзи билан жимгина олиб кетаётган онахон эса кўз ўнгимдан кетмай қолди. Биз ҳар сафар бувижонимни кўргани борганимизда, улардан дуо олганимизда кучимга куч қўшилаётганини ҳис этаман, туйғуларим зилолланади.

Дуога очилган қўлларингиз сира толмасин менинг ғаниматим - азиз бувижоним!

**Нозимахон РАҲИМОВА**




## Яна мухлислар нигоҳида



***Россиянинг Тверь шаҳрида афсонавий юнон-рум курашчиси Иван Поддубней хотирасига бағишланган халқаро турнир ўтказилди. Ушбу нуфузли турнирда Осиё, Европа ва Америка қитъаларидан келган юздан ортиқ полвонлар иштирок этишди.***

Кўплаб олимпиада ўйинлари ғолиблари, жаҳон чемпионлари, ўз қитъасида тенгсиз бўлган курашчилар гиламга чиққан мазкур турнир кескин курашлар остида ўтди. Юнон-рум курашининг ҳадисини олган ўзбекистонлик спортчилар ҳам номдор рақибларига қарши муносиб кураш олиб бордилар. Ғайрат Абдуллаев шогирдларидан икки нафари бронза медали соҳиби бўлишди. Булар: Афина Олимпиадаси олтин медал соҳиби бўлган Александр Доктурашвили (84 килограмм) ҳамда ёш умидли курашчимиз Акбар Қўзиев (55 килограмм).

**Илёсхон ЗИЁМИДДИНОВ**

## Монреалдан умид катта

***18 июлда Канаданинг Монреал шаҳрида сув спорти турлари бўйича жаҳон чемпионатига старт берилади. Дунёнинг кўплаб давлатлари сузувчилари иштирок этадиган мазкур беллашувларда ватанимиз шарафини Григорий Бугаков шогирдлари ҳимоя қилишади.***

Аёллар ўртасидаги баҳсларга спортчиларимиздан Саида Искандарова ва Ирина Шлемовалар курашга киришади. Эркаклар ўртасида эса бир қатор етакчи спортчиларимиздан Равил Начаев, Данил Бугаков, Ибрагим Назировлар билан бирга ёш, умидли сузувчилардан Олег Пухнатый, Тимур Эргашев, Петр Васильев, Сергей Цой, Олег Ляшко, Андрей Морковин, Сергей Паньковлар ўз омадларини синаб кўришади. Ғолиб ва совриндорлар 30 июлда аниқланади.

## Ғолиблик учун кураш

***Вильнюсда юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ғолиблик учун дунёнинг эллик давлатидан ташриф буюрган 300 нафарга яқин ёш полвонлар гиламда кураш олиб борди.***

Қизиқарли ва кескин беллашувларга бой муросасиз кечган беллашувлар якунида совриндорлар қаторидан юртдошларимиз ҳам жой олганлиги Ватанимизда ушбу спорт турининг ривожланаётганидан далолат беради.

Юнон-рум кураши бўйича сўнгги бор ёшлар ўртасида ҳамюртимиз Юрий Витт чемпионликни қўлга киритганди. Бу воқеага ҳам ўн йилдан ортиқ вақт ўтди. Вильнюсда эса бу ишни Олим Қурбонов шогирди Элбек Тожиев амалга оширди. У 50 килограмм вазнда барча рақибларидан устунлигини намоён этиб, жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

55 килограмм вазнли полвонлар ўртасидаги мусобақалар иштирокчиси Шерали Шодмонов кумуш медал билан тақдирланди. Владимир Орлов қўл остида тайёргарлик кўрган Фарҳод Ўразимбетов эса Литвадан бронза медали билан қайтадиган бўлди.

## Лэнс Армстронг пешқадам

***Францияда ўтаётган "Тур де Франс" велопойга мусобақалари қизғин курашлар остида давом этмоқда. Якунланган 11-босқичда ғолибликни қозоғистонлик Александр Винокуров қўлга киритди.***

"Т-Мобайл" пойгачиси 173 километрлик масофада Куршевели ва Брианколардан чаққонроқ ҳаракат қила олди. Умумий рўйхатда етакчилик қилаётган Лэнс Армстронг эса ғолибдан бор-йўғи бир дақиқа ортда қолди. 11-босқичда иккинчи ва учинчи ўринларни колумбиялик Сантьяго Ботеро ва франциялик Кристоф Морлар қўлга киритишди.

12-босқичдан олдин АҚШлик Лэнс Армстронг умумий рўйхатда карвонбошилик қилмоқда. Иккинчи ўриндаги Микаэл Росмуссен пешқадам-



дан бор-йўғи 38 сония ортда бормоқда. Александр Винокуров эса ҳозирча 12-ўринда. Лэнс билан унинг орасидаги тафовут 4 дақиқа-ю 47 сонияни ташкил қилмоқда.

## Олти йиллик танаффусдан сўнг

***Таниқли немис теннисчиси Штеффи Граф яна мухлислар нигоҳида. 36 ёшли теннисчи олти йиллик танаффусдан сўнг Хьюстон шаҳрида анъанавий "World Team Tennis Pro League" турнирида кортга чиқди.***

"Хьюстон Ранглерз" жамоаси аъзоси сифатида баҳс юритган Штеффига россиялик




Елена Лиховцева рақиблик қилди. Тўққиз геймлик мазкур беллашувда 5:4 ҳисобида Елена ғалаба қозонди. Жуфтлик баҳсларида эса Штеффи Граф ва Эмсли Карчилл – Анна Курникова ҳамда Елена Лиховцевадан мағлубиятга учрашди.

ИТАР-ТАСС хабарига кўра, немис теннисчи Штеффи Граф учинчи учрашувда ғалаба қозона олган. Ҳамюрти Марди Фаше билан Анна Курникова ва Марка Ноулза (Багама)ларни 5:3 ҳисобида мағлуб этишган.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**


# Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

**"AUKSION-RIELT" корхонаси 2005 йил 16, 23, 30 август ва 6, 13, 20 сентябр кунлари соат 10.00 да аукцион савдоларини ўтказади**

**Аукцион савдосига қуйидагилар қўйилади:**

**1.** Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти Паркент тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент вилояти, Паркент тумани, "Наврўз" ЧСК ташкилотига тегишли бўлган 9-сонли савдо дўкони (магазин), бошланғич нархи 2 373 508 сўм.

**2.** Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти Паркент тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент вилояти Паркент тумани, "Асаларичилик" жамоа хўжалигига тегишли бўлган 2-сонли уй-жой биноси, бошланғич нархи 2 199 098 сўм.

**3.** Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти Паркент тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент вилояти Паркент тумани, "Намданак" ширкат хўжалигига тегишли бўлган чорвачилик фермаси, бошланғич нархи 3 087 718 сўм ва чўпон уйи, бошланғич нархи 585 916 сўм.

**4.** Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти Қибрай тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг "B.A.AGRO" илмий-ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамияти низом жамғармасидаги 40 фоизлик улуши, бошланғич нархи 20 000 000 сўм.

"Туркистон" газетасининг 2005 йил 18 июндаги 48-сони 6-саҳифасида "AUKSION-RIELT" корхонаси томонидан чоп этилган эълоннинг 8-бандидаги "Марсак кўчаси, 17-уйда" сўзлари "Маршак кўчаси, 7-уйда" деб ўқилсин.

**Савдога қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**

**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Халқлар дўстлиги, 8 "б"-уй. Телефонлар: 133-61-86, 133-65-41.**

Ташкилот гувоҳномаси № 000267

**ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН**

автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

**ШИНАЛАРНИ сотади:**




ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Тел.: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21

*Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.*




**Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:**

*Наманган ш., Дўстлик шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.*
*Андижон ш., Мирпустин к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.*
*Данғара ш., Тошкент к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.*
*Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.*

ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.


## "Оқтошдон" ОАЖ акциядорлари диққатига!

"Оқтошдон" ОАЖнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2005 йил 25 июл соат 10.00 да жамиятнинг мажлислар залида чақирилади.

**Кун тартиби:**

1. "Оқтошдон" ОАЖ Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
2. "Оқтошдон" ОАЖ ижро органи билан Кузатув кенгаши ўртасидаги меҳнат шартномасига рухсат бериш.

**Манзил:** Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Оқтош шаҳри Ж.Мирзаев кўчаси 2-уй.

**Кузатув кенгаши**

Утерянный гос. ордер № 05-01/11801 от 17.09.1993 г. права собственности Умаровой Мохиры Иминовны на квартиру, считать недействительным.

2-Тошкент Педагогика билим юрти томонидан 1999 йили Йўлдошева Дилфуза Иброҳимовна номига берилган № 014265 рақамли имтиёзли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ИИБ томонидан "Ал-Руми" МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный аттестат O'R-E № 0162696, выданный школой № 2 Пскентского района Ташкентской обл. на имя Ким Виктории Вячеславовне, считать недействительным.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 201-мактаб томонидан 1995 йили Рисқиева Гавҳар Зохиджоновна номига берилган № 003552 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Тошкент тумани ИИБ томонидан 1997 йил 6 октябрда Ҳайдаров Ҳақёр Минҳожиддинович номига берилган СВ №0816444 рақамли паспорт йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 266-ўрта мактаб томонидан 2005 йил 22 июнда Мамадалиева Мафтуна Қулмуродовна номига берилган U № 1552717 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.


Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: **Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар**

**ТЕЛЕФОНЛАР:** **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** – 136-58-83, 136-56-25, **Котибият** - 133-95-17, **Реклама ва эълонлар** - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, **Факс** - 133-44-43, 133-40-87

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** **Қорақалпоғистон Республикаси** – 8-361-58-512-17; **Андижон** – 8-374-22-234-08; **Бухоро** – 8-365-22-644-61; **Жиззах** – 8-372-22-648-72; **Навоий** – 8-436-22-60-525; **Наманган** - 8 – 369-41-234-23; **Фарғона** – 8-373-61-221-97; **Самарқанд** – 8-366-2-33-70-57; **Сурхондарё** – 8-376-46-526-61; **Сирдарё** – 8-367-37-23-813; **Тошкент** – 8-371-136-56-21; **Хоразм** – 8-362-22-623-50; **Қашқадарё** – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар. ⓗ -тижорат мақола

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**Навбатчи:** С.РАҲМОНОВ **Саҳифаловчилар:** А.ИСМОИЛОВ, Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ **Мусаҳҳиҳ:** М. БЕКИЕВ

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.**

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади

Буюртма Г-619, ҳажми 2 босма табоқ,

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади -10042

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6